

Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси ишчи гуруҳларининг Н И З О М И

Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси мукофотга тақдим этилган талабгорлар фаолияти, асарларини ўрганиш ва таҳлил қилиш учун соҳалар бўйича ишчи гуруҳини ташкил этади.

Ишчи гуруҳи маслаҳат органи ҳисобланади ва тавсиянома ишлаб чиқади. Ишлаб чиқилган тавсиянома комиссия йиғилишида кўриб чиқилади.

Ишчи гуруҳи аъзолигига комиссиянинг шу соҳалар бўйича мутахассислари, шунингдек, адабиёт, санъат, фан, маданият ва таълим соҳалари бўйича атоқли арбоблар, олимлар, йирик мутахассислар киритиладилар.

Тартибга кўра ишчи гуруҳи аъзолари ҳар 4 йилда 2—3 кишигача янгиланади, Ишчи гуруҳига комиссия раҳбарлик қилади.

Агар ишчи гуруҳи аъзоси мукофотга даъвогар бўлса, у гуруҳ фаолиятида иштирок этмайди.

Давлат мукофотига тавсия этилган талабгорлар фаолияти, уларнинг асарлари атрофлича ва ҳаққоний муҳокама этилади. Ҳар бир номзод бўйича ишчи гуруҳи томонидан чиқарилган хулоса ва якуний фикр Зулфия номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти Низомига мувофиқ бўлиши шарт.

Зулфия номидаги Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофоти: мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида аъло хулқи, ўқишдаги муваффақиятлари, ижтимоий фаоллиги билан ёрқин истеъдодини намоён қилиб таълим олаётган, истиқлол ғояларини амалга ошириш йулида астойдил меҳнат қилаётган 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган иқтидорли қизларга адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълим соҳаларидаги ҳамда жамоатчилик фаолиятидаги катта ютуқлари учун берилади.

Ишчи гуруҳи ўз йиғилишига мукофотга тавсия этилган талабгорларнинг фаолияти ва асарлари юзасидан қўшимча маълумот олиш учун вазирликлар, давлат қўмиталари, маҳаллий ҳокимият органлари, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари вакилларини таклиф этиши мумкин. Таклиф этилганлар ишни муҳокама қилиш жараёнида катнашмайдилар.

Иш икки босқичда кўриб чиқилади. Биринчи босқичда танловда катнашиш учун номзодлар ва уларнинг ишлари танлаб олинади. Иккинчи босқичда мукофотга лойиқ деб топилган номзодлар аниқланади. Биринчи босқич кенгашида қабул қилиб олинган барча ишларга тегишли ҳужжат ва аризалар муҳокама қилинади ва ёпиқ овоз бериш йўли билан керакли тавсияномалар тасдиқланади.

Эслатма: 1. Ишчи гуруҳи кворумини аниқлашда унинг хорижий сафарда бўлган аъзоси ҳисобга олинмайди.

2. Ишни танловга тавсия этилганда ишчи гуруҳи аъзоларининг учдан икки қисми овоз олган бўлиши шарт

Комиссиянинг (танловда қатнашиш учун ишлар танлаб олишга бағишланган) биринчи йиғилишида комиссиянинг масъул котиби барча талабларга амал қилган ҳолда йиғилиш баённомасини расмийлаштиради. Баённомада тақризчиларнинг қисқа хулосаси, танловга қатнашишга қўйилмаган ишлар юзасидан ишчи гуруҳининг қарори, ишчи гуруҳда овоз бериш натижалари қайд этилади.

Комиссия қароридан кейин ишчи гуруҳи зарур бўлган ҳолларда ишни қўшимча тақризга бериши ва ўқув муассасаларидан қўшимча маълумотларни олиши мумкин.

Иш жамоатчилиқ муҳокамасидан ўтгандан кейин комиссия фаолиятининг иккинчи босқичи бошланади.

Масъул котиб ишчи гуруҳи раҳбари билан биргаликда тавсия этилган талабгорларнинг фаолияти тўғрисида, зарурат туғилган ҳолларда, қўшимча маълумотлар тўплайди, тавсия этилган асарларни олдиндан кўриб чиқиш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун пул тўлаш йўли билан мутахассис - экспертларни таклиф этади.

Давлат мукофотини олишга тавсия этилган талабгорларнинг ибратли фаолиятлари ва ижодий ишларига доир материалларни тегишли ташкилотларга экспертларнинг кўриб чиқиши учун юборади. Шунингдек, мукофотга тавсия этилган талабгорларнинг фаолияти ва ижоди билан жойларда танишиш учун комиссия аъзоларини, экспертлар ёки эксперт комиссияларини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга юборади. Шундан кейин ишчи гуруҳи иш юзасидан матбуотда эълон қилинган мақолалар (тақризлар) натижасига кўра комиссияда тўпланган материаллар асосида комиссиянинг якуний мажлисини ўтказди. Комиссия яширин овоз бериш йўли билан танловда қатнашган ишлардан энг сараларини (ишчи гуруҳи жаъми аъзолари тўртдан уч қисмининг овозини олганларини) Давлат мукофоти учун танлаб олади